
Бувайда туманида 4 та тажриба асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнесга жалб қилиш бўйича Бувайда тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Махситалиевнинг МУРОЖААТИ
Ассалому алайкум, Тумандошлар!

Мухтарам Юртбошимиз томонидан яратиб берилган 4 та тажриба, яъни **Сайхунобод, Зарбдор, Уйчи ва Ғиждувон** тажрибалари янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадини ошириш, томорқадан самарали фойдаланиш, маҳаллаларда драйвер лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва саноатни ривожлантиришда дасутри амал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил мобайнида **“Сайхунобод тажрибаси”** асосида 55 та маҳаллаларда жами **1650 та** микролойиҳалар (қиймати 125 млрд 180 млн.сўм) амалга оширишни режалаштирган эдик.

Амалда ўтган давр мобайнида **1304 та** лойиҳалар (қиймати 103 млрд 443 млн.сўм) ишга тушурилди (**80 %**) ва бунинг натижасида 2531 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Шундан **сентябр** ойида **220 та** лойиҳаларни амалга ошириш белгиланган бўлиб, амалда **263 та** лойиҳалар (қиймати 19 млрд 9530 млн.сўм) ишга тушурилди (**119,5 %**).

“Зарбдор тажрибаси” асосида **19 та** маҳаллаларда саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар соҳасида жами **19 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Яратиладиган иш ўринлари сони **850 та**.

Топшириққа асосан қиймати **100 млрд.сўмлик** 19 та лойиҳалар шакиллантирилди. Иш ўринлари сони – **850 та**.

Амалда бугунги кун ҳолатига **17 та** лойиҳалар (қиймати 89 млрд.сўм) ишга тушурилиб, **617 та** иш ўринлари яратилди.

Бувайда туманида **“Ғиждувон тажрибаси”** асосида **15 та** маҳаллаларда “тепага ўсадиган” (*вертикал*) саноат бинолари ташкил қилиш, бино ва иншоотларларга эҳтиёжи юқори бўлган тадбиркорлар ишлаб чиқариш қувватларини кўчириш бўйича жами **15 та** лойиҳалар амалга ошириш режалаштирилган. Яратиладиган иш ўринлари сони **859 та**.

Топшириққа асосан **15 та** лойиҳалар шакиллантирилди. Иш ўринлари сони – **859 та**. Амалда бугунги кун ҳолатига **7 та** лойиҳалар ишга тушурилган. Иш ўринлари сони – **254 та**.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича **“Уйчи тажрибаси”** асосида **июль-декабр** (*2-ярим йиллик*) ойлари мобайнида банк мижозлари билан **16 та** учрашувлар ўтказиш ва бунинг натижасида **2655 та** иш ўринлари яратиш белгиланган. Амалда бугунги кун ҳолатига банклар томонидан **8 та** учрашувлар ўтказилиб, **1497 та** иш ўриналри яратилди (**57 %**).

Жумладан, **сентябр** ойида **3 та** учрашув ташкил этилиб, **631 та** иш ўринлари яратилди.

2024-09-23 18:14:53